


„ЗАНГОРИ КЕМА“ ЛАРГА ОҚ ИУЛ!

БУГУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНДИЗ!

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТНАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СУВОРИЙЛАР ЖАВЛОН УРМОҚДА



БУГУН Янгийўлдаги «Ленинизм» колхозини даладарияда ана шундай гўзал манзарани кўрасиз. Сергайрат суворийлар «зангори кема»ларини моҳирлик билан бошқариб, дастлабки қушлардан оқ хирмон баракасига баракка киритмоқдалар. Юқоридан суратда колхознинг пешкада механик-ҳайдовчиси Абдурашу Абдурахимовни кўриб турибсиз. У ҳозирнинг ўзидаёқ кунига 4—5 тоннадан «оқ олтин» термоқда.

14 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 181 (3663)

13
СЕНТЯБРЬ
ЧОРШАНБА

1967 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.



Поёсиз пахтазорда эрта тонгдан жавлон ураётган қудратли «зангори кема»лар тиним билмайди. Ҳозиргина эгат оралаб кетган машина дам ўтмай қайтиб келиб, пўлат этакдан хирмонга зар тўкади. Қатор-қатор тележалар терилган ҳосилни олиб қабул пунктларига шошиляди...

Янгийўл районидagi йирик хўжаликлардан бири бўлган «Ленинизм» колхозини даладарияда бугун шундай манзарани кўрасиз. Бу колхоз деҳқонлари юбилей йилида ялпи ҳосилнинг 70 процентини машинада териб олиш, ҳосилдорлигини 35 центнерга етказишга бел боғлаганлар. Улар шу кунларда «сузмининг устидан абабга чиқарил» деб гайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Пахта фронтида пешкадалик қилаётган Зиялов Ризаев бошлиқ участка коллективини ҳозиргача пахта тайёрлаш йиллик планини 30 центнерга яқинлаштириб қўйди. Бу участка механизаторлари колхозда биринчи бўлиб машина теримини ушшоқлик билан бошлаб юборганлар. Машина теримининг даст-

лабки натижалари ҳаммадан хушнуд этмоқда. Ҳар кун давлат оғиротида планининг 4—5 процентини миқдорда «оқ олтин» топишга бошланди!

Коллектив юбилей йилида 252 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28 центнер ўрнига 35 центнердан хирмон кўтариш, ялпи ҳосилнинг 80 процентини «зангори кема»ларда териб, ўз аҳдининг уддасидан чиқиш учун социалистик мусобақани кун сайин авж олдиришмоқда.

Мана, участканинг дондор суворийларидан Абдурашу Абдурахимов. У бу йилги мавсумда 120 тонна пахта термоқчи, Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги тўйига қадар мажбуриятини ошқиниб бажаришга бел боғлаган. Шу кунларда у машина бункеридан 4—5 тоннадан дўдона тўймоқда. Унинг мусобақалашлари Эргаш Қўрғонбоев, Абдулла Ёлқиев ўтказилган ҳам юбилей йилида 100—110 тоннадан «оқ олтин» териб бериш учун енг шимариб ишга киришиб кетдилар.

«Ас!» деҳқон бўлсанг, энг яқин дўстинг, мададкоринг бўл-

ган машинани қадрла, ундан унумли фойдалана бил. Шундгина қўл меҳнатига барҳам берилади, колхозчининг даромади ортади» деган эди колхоз деҳқонларининг отахони, уста пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони марҳум Абдулла Ортингов. Колхознинг миришкор деҳқонлари ўз устозлари ўғитларини доимо ёдда тутганлари ҳолда механизациядан унумли фойдаланиб кетмоқдалар. Ўтган йили ҳосилнинг 54 процентини машиналар ёрдамида териб олинган эди. Колхозчилар бу йил йиллик планини аса 30 иш кунига адо этиш учун белни маҳкам боғлаганлар.

Пинг-теримнинг дастлабки палласида колхоз даладарияда 12 та машина жавлон урмоқда. Эрта-кидин яна 23 машина пахтазор деғизига сузабошланди. Колхоз суворийлари «оқ олтин» хирмонига 3600 тонна ҳосилнинг 2500 тоннасини пўлат этаклардан тўкадилар.

Н. ТУРАЕВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VIII пленумининг қарори «КПСС XXIII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА САНОАТДА, ҚУРИЛИШДА, ТРАНСПОРТДА ВА АЛОҚА ОРГАНЛАРИДА ИЛМий-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ СОҲАСИДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ОЛДИДА ТУРГАН ВАЗИФАЛАР»

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Пленуми Марказий Комитет секретари И. Г. Анисимовнинг «КПСС XXIII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА САНОАТДА, ҚУРИЛИШДА, ТРАНСПОРТДА ВА АЛОҚА ОРГАНЛАРИДА ИЛМий-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ СОҲАСИДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ОЛДИДА ТУРГАН ВАЗИФАЛАР» ҳақидаги докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, шунинг қай қилиш, республикадаги саноат корхоналари ва ташкилотларининг, қурилишлар, транспорт ва алоқа органларининг коллективлари КПСС XXIII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVII съезди қарорларини амалга ошира бориб, техника тараққиётини янада тезлаштириш, халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини ривожлантириш ва техника билан қайта қуриштириш соҳасида катта иш қилди. Кейинги икки йил ичида ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаш ва автоматлаштириш, илгўр технологияни жорий қилиш бўйича 500 га яқин йирик тадбир амалга оширилди, машина, асбоб ва материалларнинг 114 та янги хили яратилди, шундан яқин ишлаб чиқаришда қўлланилмоқда. Янги техникани жорий этишни иқтисодий самардорлиги қариб 60 миллион сўмга таъин қилинган. Асфальт йўллар чул белига меҳнат унумдорлиги 8,9 процент ўсди.

Химия саноати ва рангли металлургияда бир қатор янги юқори унумли технология жараёнлари жорий этилди. Газ ва нефть чиқариш саноатида автоматлаштириш ва нефть қудуқларини телебошқариш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Электр станцияларида замонавий энергетик жиҳозлар жорий этилмоқда; энергосистемаларини бошқариш автоматлаштириш, машинасозликда ишлаб чиқариладиган машиналар, асбоблар ва бошқа маҳсулотлар, айниқса пахтачиликни комплекс механизациялаш учун зарур бўлган машина ва асбобларнинг қўлчилик қисми янгилади, ҳали қўйилди. Пахта тозалаш саноати, енгил, озиқ-овқат саноати ва саноатнинг бошқа соҳаларини янада такомиллаштириш бўйича аниқгина иш қилинди.

Қурилишларини индустриал даражаси ўсиш, ишлаб чиқариш базаси мустаҳкамланди, бинокорларнинг механизация билан таъминланиши яқинлади. Транспорт ва алоқанинг ҳамма соҳалари янада ривож тоқди. Фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқаси мустаҳкамланганлиги илмий-техника тараққиётини янада жадаллаштиришга имкон бермоқда.

Ўзбекистон саноати, қурилиш, транспорт ва алоқа органларининг меҳнатнашлари партия ташкилотлари раҳбарлигида Улуғ Октябр социалистик революциясининг 50 йиллигини муносиб кутиб

олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирилди. Юбилей мажбуриятларини муваффақиятли адо этиш учун кўришда дастлабки ютуққа эришилди: саноат ишлаб чиқаришнинг ялпи ҳажми бўйича етти ойлик план мuddатидан яқин бажарилди. Саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши ўтган йилдан 8 процент кўп бўлди, пландан таъқирини 6,3 процент ўсди. Партия XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил сентябрь Пленуми қарорлари асосида республикада корхона ва ташкилотларини ташкилоти ва иқтисодий раёбатлаштиришнинг янги системасига ўтказилиш, хўжалик ҳисобини жорий этиш, иқтисодий ишлар самарасини кўтариш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан барга, Ўзбекистон КП Марказий Комитети пленуми қай қилиш, техника тараққиётини соҳасида амалга оширилган ишлар ҳозирча КПСС XXIII съезди қўйган талаблар ва вазифаларга тўла жавоб берибди.

Батъи министрлар ва идоралар, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари саноат ишлаб чиқаришнинг раҳбарлиги янгилаш юзасидан зарур чоралар қўйиладиган йўл улар техника тараққиёти масалалари билан етарли шугу-

ланмаяптилар, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қўлтириш ва сифатини яқинлаштириш мавжуд резервларидан тўла фойдаланмаётдилар.

Республикада саноат ишлаб чиқариш санъати ойлани план муваффақиятли бажарилгани ҳолда саноат министрлигининг 99 корхонаси маҳсулот ишлаб чиқариш топиригини уздамай олмади, 69 корхона аса меҳнат унумдорлигини ошириш планини бажармади. Баъзи корхоналарда технология ва ишлаб чиқаришнинг иқтисоди муамлоқда, бран маҳсулот чиқаришга, хом ашё, материал ва енгилнинг ортинча сарфлашини йўл қўйилмоқда.

Пленум айрим министрликлар ва корхоналарнинг янги техникани жорий этиш планларини бажармаётганлигини қай қилиш ўтиди. Енгил саноат, пахта тозалаш саноати ва баъзи министрликларнинг қатор корхоналари ўз соҳадан тошириқларини бажаришда ордада қолмоқдалар. Шундай ҳоллар ҳам ўз бермоқдан янги техникани жорий этишнинг қўлтиришлари билан зарур моддий техника ресурслар билан таъминланмайти.

Ишлаб чиқаришнинг механизациялаш ва автоматлаштириш юзасидан ҳали ҳам сўет иш олиб боришмоқда. Бир қатор тармоқларда, айниқса баъзи ишчиларнинг қариб ярим машғул бўлган ёрдам-

чи ишларда комплекс механизация сўет жорий қилинмоқда. Қурилиш ташкилотларида йўл меҳнати қариб 60 процентини ташкил этади. Юқ ортиш ва тўшириш ишлари етарли механизацияланмаган, қўл меҳнатининг ҳиссаси юқори бўлишига қарамай қўлчилик корхоналар бу меҳнатини механизациялашнинг перспектив планларига эга эмас.

Корхоналар, қурилишлар ва айрим ташкилотларда меҳнатин илмий асосда ташкил этишни жорий қилишга шу вақтгача етарли даражада киришлмаган.

Илмий-тадқиқот ва дойиша-конструкторлик муассасалари фаолиятида жиддий камчиликлар мавжуд. Уларнинг баъзилари ишлаб чиқариш билан яқин алоқа боғламаганлар, практика ҳаётининг ҳамма вақт ҳам ҳисобга олавермайдилар, қўлчица ўз кучларини илмий даражада масалаларга қаратиб, узоқ мuddат мобайнида қўлчица амалии натижалар бермайдилар.

Пленум баъзи партия комитетлари илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш ва илмийнинг ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш ҳақидаги партия директиваларини амалга ошириш юзасидан қатъиятлик билан кураш олиб бормайганликлари таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

ЛУБКОРЛАР ҒАЛАБАСИ

Эрта Чирчиқ районидagi «Северный маяк» колхозининг лубкорлари давлатга қаноп сотиш йиллик планини Ўзбекистонда биринчи бўлиб мuddатидан олдин бажардилар. 3 минг тоннадан кўпроқ «кўк олтин» қайта ишлаб берадиган заводларга етказилди. Ҳосилнинг қариб 80 процентини биринчи сирта топирилди. Эрмат Усмонов, Панчер Ким, Андрей Пак бошлиқ бригадалар гектар бошига 200 центнердан ҳосил еттиридилар.

«ЛС» марнали янги машиналар дала шароитида хом ашёни дастлабки ишлаш вақтида илгари банд бўлган қариб 400 колхозчининг бошида ишлар учун ажратиш имконини бермоқда. Колхоз меҳнатчилари Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига пландан таъқирини яна 1,5 минг тонна луб топириш мажбуриятини олдилар.

Бошқа хўжаликларда ҳам ҳосил ўрми-йилми тез сўрғатлар билан олиб боришмоқда. Ҳар кун йиллик топиришнинг 2,5 процентини миқдорда қаноп тайёрланмоқда. Пленумнинг йилидан кўпроги ҳозирдаёқ бажариб қўйилди. (ЎТАҒ).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА
ҒУЗАНИ ДЕФОЛЛАЦИЯ
ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА 12 СЕНТЯБРЬ
ГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
Эрта Чирчиқ	—	101,7
Оққўрғон	2,1	101,1
Бўша	—	94,8
Юқори Чирчиқ	3,3	94,0
Янгийўл	3,0	76,5
Бекобод	3,8	67,9
Орқоникидзе	20,0	23,0
Область бўйича:	1,3	88,8

ЧЎЛҚУВАРЛАР БАЙРОҒИДА ЛЕНИН ОРДЕНИ

ГУЛИСТОН. Мирзачўлга улуг Ленин миғох ташлаган. Асрлар оша халқумини оғар сувга намлай олмай ҳансираб етган бу чул-маликин узлаштириш Коммунистик партия ҳамда унинг ижодлари буюн Ленин номи билан чамбарчас боғлангандир. Фақат Совет ҳокимияти йилларида Мирзачўлга ҳақиқий ҳаёт келди. Сахро ўрнида бепоён пахтазорлар, бог-роғлар барпо этилди, олма аринлардан шарқираб сув оқмоқда. Асфальт йўллар чул белига ярашқинлик нумуш белбоғини эслатди.

Эндиликда Мирзачўл мамлакатининг «оқ олтин» қониға айланган. Қўриқ ерда ташкил топган Сирдарё облати пахтачиликнинг комплекс механизациялашнинг ташаббускори ҳисобланади. Облат меҳнатнашлари йил сайин пахтадан мўл ҳосил еттиштириб келмоқдалар. Шунинг учун ҳам еш

Сирдарё облатини Ленин ордени билан мунофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони яқиндагина эълон қилинган эди.

Кунин кеча Сирдарёда катта шодналик хўн сурди. Бу таътанна облат меҳнатнашларининг амоний байрамиға айланб кетди. Зарбдор ишчилар, меҳир пахтакорлар, дондор меҳнаткорлар, азамат бинокорлар, Мирзачўлни узлаштирувчилар, партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари облатга Ватаниннинг энг олий мунофоти — Ленин ордени топирилишига бағишланган таътанна мажлисга тўплангилар.

Сирдарё облати ижроия комитетининг раиси ўртоқ Е. Тасарбоев мажлисини очиб деб эълон қилди ва «СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насрид-

диновага сўз беради. Е. С. Насриддинова СССР Олий Совети Президиумининг хўжалиги ва маданий нурилишда эришилган муваффақиятлар учун Сирдарё облатини Ленин ордени билан мунофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб беради.

КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига, нардидат, Ўзбекистон Компартиясини Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов йиғилгандарнинг гулдўрос нарсалари остида облат байроғига Ленин орденини мадаб қўйди. Ш. Р. Рашидов чулқуварларни юксак мунофот билан қўзғин табрикланди, уларга катта муваффақиятлар тилади ва сирдареликлар Совет давлатининг шонли 50 йиллик тўйини муносив кутиб оладилар, деб ишонч билдирди.

Ўзбекистон КП Сирдарё облати комитетининг биринчи сев-

ретари Н. Маҳмудов, «Андижон» совхозини комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамажон Дадамонов, «Голдностепей» бошқармасининг бош инженери В. А. Духов, Сирдарё районидagi 5-мантаб ўқитувчиси И. Нишонов, Киров район секретари К. Исҳоқов, Гулистон шаҳриндаги ремонт-механика заводининг директори Н. Раҳимов ва бошқа уртоқлар сўзга чиқиб, юксак мунофот учун Коммунистик партия ва Совет ҳўнуматига мин қалбдан ташанкур изҳор этидилар. Улар бу мунофот облати меҳнатнашларининг кучига куч, гайратига гайрат қўшиб юборганлигини қўзғовч билан таъкидладилар.

Тошкент облати ижроия комитетининг раиси Э. Т. Шайхон мунофотдош дўстлари — Тошкент облатининг қишлоқ хўжалик х-

динилар, ишчилари ва хўжаликчилари номидан қўриқ ер облати меҳнатнашларини олий мунофот — Ленин ордени билан сийий табрикланди.

Мажлис қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номига мантуб қабул қилдилар. Мантубда шундай дейилди: Сирдареликлар номида ваъда бериб, Сизларни ишонтира мизин, юбилей йилида олган ҳамма мажбуриятларининг мuddатидан илгари бажарамиз, мамлакатга қамда 500 минг тонна «оқ олтин» етказиб берамиз, пахта илгитерминини ушшоқлик билан қишқа мuddатларда утказамиз, «зангори кема»лар бункерларидан қам дегадга 300 минг тонна дур тўкамиз.

Ленин ордени топирилишига бағишланган катта анжуманда Ўзбекистон Компартиясини Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Домоносов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. А. Габриелияц, КПСС Марказий Комитетининг сектор мудир Т. Н. Осетров ўртоқлар иштирокида эдилар.

(«Совет Ўзбекистони», 12 сентябрь).

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 12 СЕНТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Машина терими	
			Бир кунда	Мавсум бошидан
Янгийўл	1,30	8,94	0,55	6,63
Орқоникидзе	1,70	5,74	—	—
Бўша	0,74	2,27	0,49	0,74
Бекобод	1,31	1,31	0,12	0,12
Эрта Чирчиқ	0,63	1,26	—	—
Оққўрғон	1,07	1,07	0,26	0,26
Юқори Чирчиқ	0,34	0,88	—	—
Область бўйича:	1,00	3,00	0,28	0,35

МАШИНАЛАР ИШГА ТУШИРИЛДИ

Тошкент облатининг механизаторлари машиналарини пахта дала-ларига киритдилар. Бекобод районидagi «Победа» колхозининг меҳнатнашлари машина теримига биринчи бўлиб киришдилар. Меҳнат-ҳайдовчилардан Турсунбой Эсмидиёров, Юрий Пузиков, Данаол Бекмурзаев ва бошқалар машина бункерларидан ҳар кун 3 тоннадан «оқ олтин» тўймоқдалар.

Оққўрғон, Эрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ ва бошқа бир қанча районларнинг хўжаликчилари ҳам ҳосилни машинада теришга киришяди. Комплекс механизациялашган звеноларда бошчилар қилаётган «зангори кема»ларнинг қилинган машиналар билан планда қўзда тутилган 310 минг тонна пахтанинг 185 минг тоннасини теришга қарор қилдилар. (ЎТАҒ).

